

Сийрат дарслари (110-дарс). Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир



13:00 / 13.11.2020 4130

432. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг муҳаррам ойи рўзасидир. Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

433. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Рамазон кечаларини ибодат билан бедор ўтказишга тарғиб қилар, аммо қатъий буйруқ бермас эдилар. Шунда у зот: **«Ким Рамазонда иймон ва ихлос билан қоим бўлса,**

ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», дер эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

434. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Қадр кечасини иймон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

435. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Одам боласининг ҳамма амали (савоби) бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача кўпайтириб берилади. Аллоҳ азза ва жалла: «Фақат рўза Менинг учундир, унинг мукофотини Мен берурман. У (рўзадор) шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилади», дейди. Рўзадорга икки хурсандлик бордир: ифтор қилса, хурсанд бўлади ва Роббига рўбарў бўлганда рўзаси билан хурсанд бўлади. Албатта, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Менинг учундир ва унинг мукофотини Ўзим берурман», деди. Рўза сақловчидир. Бирингизнинг рўза куни бўлса, фаҳш гап гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, «мен рўзадорман», десин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта рўзадорнинг оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандлик бордир. У иккисини ҳам яшагай. Ифтор қилса, хурсанд бўлгай ва Роббига рўбарў бўлганда рўзаси билан хурсанд бўлгай».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан